



Арслон терисига ўранган эшак



Кадим замонлар бой бир савдогар яшаб ўтган экан. Орадан маълум бир вакт ўтиб савдогар касодга учрабди. Хамёнида бир чака хам колмабди. Бечоранинг бор-йуги эшаги колган экан, лекин у хам очликдан озиб-тўзиб кетибди. Тирик мурдага айланиб колган эшак юк у ёқда турсин ўзини хам кўтара олмайдиган ахволга тушибди. Бир куни савдогар эшагига караб: “Бечора жонивор, очликдан ўладиган кўриннади, уни бир ўтлокка олиб бориб кўйсам балки жон кирав...”, деб ўйлабди. Айни баҳор мавсуми, майсалар униб ётган вакт экан. Савдогар эшакни ўтлаш учун яйловга кўйиб юборибди. Нима бўлганда хам эшак жуда озгин ва нимжон эди. Савдогар вахший хайвонлар эшакка зарар келтирмасин деб, эшакнинг устига уйидаги эски бир арслон терисини кийдириб, хавф-хатардан кўриган бўлибди. Уни «хих-хих»лаб яйловга хайдабди. Арслон терисига ўралган эшак ўтлай бошлабди. Узокдан кўрган йирткич хайвонлар, арслон деб ўйлаб ундан хуркиб кочишар экан. Эшак хам бемалол ўтлаб хохлаганича айланиб юрар экан. Киска вакт ичиди жон кирган эшак эски ахволига кайтибди. Кунлардан бир кун нимадир бўлиб бир шахарча ичига кирибди. Богбонлар уни кўриши билан арслон келди деб ўйлаб, кўркиб коча бошлишибди. Баъзилари дараҳтга тирмалашишибди. Эшак эса у ердаги ўтларни иштаха билан ейишда давом этибди.

Шу пайт богнинг ёнидан бир нечта эшак ўтиб кетаётган экан, бирданига ханграшни бошлишибди. Уни эшитган арслон терисини кийган эшак хам уларга жўр бўлибди. Бу ёкимсиз овоздан богбонлар, бoggа кирган арслон эмас, балки эшак эканини англағе этишибди. Дараҳтдан тушиб эшакни тутиб олишибди ва хамон устидаги арслон терисини ечиб олишибди. Адабини бериб, роса ишлатишибди.

Инсон насл-насабини яширишга канчалик харакат килмасин, маълум бир муддат буни

уддасидан чикиши мумкин, лекин бир кун келиб бир ножўя харакати билан ким эканини ошкор килиб кўяди.

Юсуф Товалийнинг
"Хикматлар хазинаси" китобидан